

Mustahkam oila – yurt tayanchi

OILA DAVTRASIDA

№ 16 (362)
2019 - yil
18-aprel
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.



**СИЗ
МАКТА-
БИНГИЗГА
БОРДИНГИЗМИ?**

**АРЗОН
УЙ-ЖОЙЛАР**
сифатига ким
жавоб беради?



2-бет

ВАЗИРЛИК
мақолага
муносабат
билдирди

3-бет

**ОИЛАНИНГ
БАРБОД
БЎЛИШИ**
муаммоларнинг
бошланишидир




3-бет

Келин олганман
ЧЎРИ ЭМАС

8-бет

КУНДУЗГИ ЧИРОҚ
пул ундириш
йўлими?



7-бет

uzkitob.uz

«O'ZDAVKITOBSAVDOTA'MINOTI»

Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй
Tel: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91Энг сара
китоблар
ассортименти

Арзон уй-жойлар сифатига ким жавобгар?

Уй-жойга муҳтож ҳар бир оила «ватан»ли бўлишни орзу қилади. Йиллар давомида қийинчилик билан эришган бу орзуси – янги уй-жойга энди эга бўлдим деганда, у сифатсиз чиқиб, тез орада тўкилиб қолса-чи? Қурувчи ташкилотлар биздан уй-жойни қабул қилиб олганингизда яхши эди-ку, дея муаммони ўзидан соқит қилса? Унда уй эгаси арз-додини қаерга айтади?



— «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси қурилатган ҳар бир уй-жойларни тендерга қўйиб, пудратчи ташкилотларни қурилишга жалб этади, — дейди «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси бош муҳандиси Шухрат РУСТАМОВ Миллий матбуот марказида журналистлар билан учрашувда. — Албатта, қурилган уй-жойларга пудратчи қурилиш ташкилоти жавоб беради. Қурилган уй-жойлар қанчалик сифатли эканини эса назорат комиссияси текширади.

— Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қуриб, фойдаланишга топширилаётган арзон уй-жой эгаларидан сифатсиз қурилган уй-жойлар юзасидан келиб тушадиган мурожаатлар мониторинг қилинадими? Уй-жойларда камчилик аниқлангандан сўнг, зарар қоплаб бериладими?

— Қурилган арзон уй-жой эгаларидан келаётган мурожаатлар мониторинг келиб борилади. Ҳар бир мурожаатни ўрганиш ва юзага келган муаммоларни ҳал қилиш мақсадида

компаниямизда мурожаатларни ўрганиш бўлими иш олиб боради. Агар арзон уй-жой бўйича, муаммоли мурожаат келиб тушса, у тўлиқ ҳал этилмагунча комиссия ўз ишینی тўхтатмайди.

Мабодо қурувчи ташкилот билан тузилган шартнома асосида уй-жойлар ўз вақтида қуриб битказилмаса ҳамда ўз ишига масъулиятсизлик билан қараб, уй-жой қурилиши учун керак бўладиган хомашёлардан «қуриб қилиш» ёки ўғрилаш ҳолати аниқланса у қурувчидан воз кечилади. Ундан ўғрилган маҳсулотлар суд орқали ундириб олинади.

Шунингдек, арзон уй-жойлар қурилиши тўхтаб қолмаслиги учун «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясининг захира фондидан уй-жойлар ўз вақтида ва сифатли қуриб битказилиши учун маблағлар ажратилади.

— Жорий йилда қанча арзон уй-жой қурилиши белгиланган?

Ва бу арзон уй-жойлар кимларга берилади?

— Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги «Қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қурилиши кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, жорий йилда республикамизнинг қишлоқ массивларида жами 13 мингта намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар қурилиши кўзда тутилган. Жумладан, 2 минг 992 та 1 қаватли 3 хонали 2 сотихли арзон уйлар. Шундан, 417 та 4 қаватли 24 хонадонли уйлар қурилади. Ушбу қурилатган уй-жойларнинг 11 минг 70 таси уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилалар учун, 658 таси алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилалар учун, қолган 1 минг 272 таси оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёллар учун мўлжалланган.

— Нега кўпқаватли уй-жойлар кенг кўламда қурилиши амалга оширилмоқда?

— Аввалари ҳам кўп қаватли уй-жойлар қуриганмиз. Биз қурган уй-жойларимиз ҳудудида газ, электр энергияси, сув ва канализация тармоғи бор эди. Эндиликда, коммунал хизматлари бўлмаган ҳудудда кўпқаватли арзон уй-жойларни қуриб, у ерга канализация, сув, газ, электр энергияси линияларини тотиб бопямиз. Қисқача айтганда, энди янги уй-жойлар коммунал хизматлари билан биргалликда қурилади.

Бекзод НАСИМБОВ,
«Оила даврасида» мухбири

Бу ерда инклюзив таълим берилди

Пойтахтнинг Яққасарой туманида инклюзив мактабгача таълим муассасаси очилди, дея хабар қилди Мактабгача таълим вазирлиги «Gazeta.uz»га.

Ушбу инклюзив МТМда руҳий ривожланишдан ортда қолган болалар учун еттига гуруҳ (ҳар бир гуруҳда 15 нафаргача бола) ҳамда инклюзив йўналишдаги еттига умумтаълим профессорли гуруҳ (ҳар гуруҳда 25 нафаргача бола) бўлади.

Ихтисослаштирилган гуруҳларга болалар психологик, тиббий-педагогик комиссия хулосаси асосида қабул қилинади. Таълим дастури «Илк қадам» давлат дастурининг мослаштирилган варианты ҳисобланиб, унга дефектолог билан ҳар кунги машғулотлар киритилган. Муассасани коррекцион ритмика билан тўлдирлади. Муассасада шахсни ҳар томонлама ривожлантириш учун барча шарт-шароит яратилган.




Нумо карталари қачон ишга тушади?

Жорий йилнинг май ойидан бошлаб Нумо карталари умум фойдаланиш учун муомалага чиқарилади. Бу ҳақда Банклараро миллий процессинг маркази вакиллари матбуот анжуманида маълум қилди, дея хабар берди «Халқ сўзи» онлайн нашри.

Йил охирига қадар мазкур тўлов тизими Ўзбекистон бўйича тўла татбиқ қилинади. Айни вақтда мазкур карта тест режимда Марказий банк ва бир қатор тижорат банклари ходимлари томонидан ишлаб чиқарилаётган.

Шу кунга қадар мазкур тўлов тизими карталаридан фойдаланиш учун 47 900 терминал ўрнатилган. Айнан мазкур ишлар сабаб тўлов тизими нисбатан кечроқ ишлаб чиқарилган. Нумо терминаллари Master Card, VISA карталарини қабул қилиш имконига ҳам эга бўлади.



Тошкент шаҳри ҳудуди кенгайди

Парламент Қонунчилик палатасининг қарорига мувофиқ, Тошкент вилоятининг Зангиота тумани ва Тошкент шаҳрининг Сергели тумани ҳудудлари қисман ўзгартирилади. Бу ҳақда «Юқалиш» умуммиллий ҳаракати хабар тарқатди.

Қайд этилишича, Тошкент вилояти Зангиота туманида жойлашган Ўзғариш қишлоғи Тошкент шаҳри Сергели тумани таркибига ўтказилади.

Ўтказилган ҳудудда 3 та МФЙ (Пастдархон, Юқоридархон, Тошкент) мавжуд бўлиб, жами 428 гектар, шундан, қишлоқ хўжалиги ерлари 111,1 гектар, аҳоли хонадон ости ерлари 102,8 гектар, қурилишлар, кўчалар, саройлар ва майдонлар билан банд ерлар 134,8 гектар ҳамда сувости, йўл ости ва бошқа ерлар 78,4 гектарни ташкил этади. Аҳоли сони 5 минг 824 нафар. Жами хонадонлар сони 893 та.


МАЪЛУМОТ

Жорий йилда қурилатган арзон уй-жойлар учун қуйидаги нархлар белгиланган:

- 1 қаватли 3 хонали 2 сотихли уй – 232 миллион сўм;
- 4 қаватли 2 хонали (42,6 метр квадрат) уй-жой – 126 миллион сўм;
- 4 қаватли 3 хонали (52,8 метр квадрат) уй-жой – 156 миллион сўм.

Истеъмолга яроқсиз маҳсулот қаердан кириб келмоқда?

Биргина ўтган йилнинг ўзида сертификатлаштириш органлари томонидан жами 148,8 миллиард сўмлик маҳаллий ва импорт қилинаётган маҳсулотлар истеъмолга яроқсиз деб топилди. Таажжубланарлиси шундаки, унинг оз эмас, кўп эмас – нақд 50 миллиард сўмини озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ташкил этади. Энди ўйлаб кўринг, агар ана шу маҳсулотлар савдо шохобчаларида сотилганда қанчадан-қанча одамнинг соғлиғига, ҳаётига зиён-заҳмат етган, уларни қийин вазиятга солиб қўйган бўлмасмиди?!



Хўш, ушбу маҳсулотларнинг кейинги тақдирини нима бўлди? Гап шундаки, номувофиқ деб топилган озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қаттагина қисми мамлакатимизга Қозғистон, Грузия, Покистон, Туркия ва Россиядан кириб келяпти. Масъулларнинг айтишича, ушбу товарлар мамлакатимиз ҳудудига айрим «ишбилармон»лар томони-

дан айланма йўллар орқали олиб кирилган. Аввало, яроқсиз деб топилган маҳсулотларни қайта ишлаш имкони бўлса, у қайта ишланади. Акс ҳолда, барча яроқсиз маҳсулот тегишли тартибда йўқ қилинади.

Шундай экан, унда нега бозору савдо шохобчаларида бундай маҳсулотлар савдоси чаккон бўлиб турибди? Ижтимоий тармоқларда

юртимиз далаларида етиштирилган мош экспортдан қайтгани кўп муҳокамаларга сабаб бўлди. Яқинда Миллий матбуот марказида «Ўзстандарт» агентлиги мутасаддилари иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида айни шу саволлар ҳам ўртага ташланди. Гап шундаки, юртимизда етиштирилаётган мошнинг сифати жойида. Фақат унинг табиийлигини

рўй-рост исботлаб бера оладиган халқаро сертификатнинг йўқлиги хитойлик харидорларда шубҳа уйғотган. «Ўзстандарт» мутасаддилари айни паллада масалага аниқ ечим топиш чоралари изланаётганини айтишди. Масалан, тилими тилини ёрайдиган шириндан-шакар қовунларимиз харидорлари ичиде жанубий корейликлар қўллаб топилади. Фақат у ердаги харидорини биринчи галда қафолатланган сифат ва хавфсизлик кўрсаткичи кўпроқ қизиқтиради.

— Бугунги тезкор ва рақобат қатта замонда харидор излаб топиб, унга маҳсулотни сотиш анчайин қийин ва мураккаб иш, — дейди «Ўзстандарт» агентлиги бош директори ўринбосари Жасур Шукуров. — Мамлакатимиздаги стандартлар МДХ ҳудудига монеликсиз амал қилса-да, халқаро стандартлар талабини тўла

жорий этишда муаммоларимиз йўқ эмас. Мамлакатлар ўртасида савдо ва иктисодий муносабатларни ривожлантириш, халқаро савдодаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш ҳамда хавфсиз ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида хозирги кунда жами қирқта регламент қабул қилинган.

Мамлакатимизда озиқ-овқат сифатини яхшилаш, уни харидор қўлига экологик тоза ҳолда етиб бориши учун тинмай ҳаракат қилинапти. Бу борада кўп тарғибот олиб бориляпти. Лекин ахвол барибир, барқарор ўнгилик кетмаяпти. Ўтган икки ой давомида 513 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолга яроқсиз деб топилди. Хўш бундай рақамлар учун ким айбдор?

Лўғбек ЖУМАЕВ,
«Оила даврасида» мухбири

Бир оиланинг барбод бўлиши

ўнлаб муаммоларнинг бошланишидир

Ўқувчиларимдан бири дарсларга келмай қўйди. Телефон орқали у билан боғланишга ҳам имкон бўлмади. Ҳатто уйга дараклаб борганимизда уни тополмадик. У ёш бўлишига қарамай аллақачон оила қурганини билардим. У оиласининг таъминоти учун ўқишдан кейин қаердадир ишларди. Сўраб-суриштиришлардан сўнг у шу кунларда ишга ҳам бормаетгани маълум бўлди. Коллежнинг юқори синф ўқувчиси, эсли-хушли йигит қаерларда юргани мени таъвишга сола бошлади. Ишхонаси ва уйдагиларга мен билан тезроқ боғланиш ҳақида хабар қолдирдим.




Иллюстрация: Юри

Орадан икки кун ўтгач, иш вақтим тугаб энди уйга кетмоқчи бўлиб турганимда ўша ўқувчим хонамга кириб келди. Кўриниши бир ахвол. Юз-кўзи кизарган. Олдин уни ўтиришга таклиф қилиб, хол-ахвол сўрадим. Ҳаётда нималар содир бўлаётганини ётиги билан суриштира бошладим. У бироз жим турди-да, сўнг оиласида бўлаётган кўнгилсиз воқеаларни айтиб, мендан маслаҳат сўради...

Ота-онаси вафот этгандан кейин қариндошлари уйлантириб қўйган экан. «Ўзим кўнгил қўйган кизга уйлансам, бир умр бахтли бўламан, деб ўйлаган эдим», деди у кўзидаги ёшни яширишга ҳаракат қилиб. Хуллас, бир хонадоннинг эркатант кизи эрининг топганини елга совириб, болаларга ҳам яхши қарамай, ҳаётини фақат ўйин-кулги билан ўтказиб келаятган экан. «Умр йўлдоши танлашда жуда каттик адашган эканман, устоз, мана энди азобини тортяпман. Агар ўртада фарзанд бўлмаганда бундай аёл билан бир кун ҳам яшамаган

бўлардим», деган гаплари мени ҳам кўнгилми киймалади. Шунда билдимки, биз педогоглар ҳар бир ўқувчига фақат таълим берарканмиз унинг келажаги учун энг муҳим бўлган ҳаётини масалаларни ўргатишга аҳамият бермас эканмиз. Масалан, кун бўйи ўқишда бўлган ўсмир ёшлар учун турмуш қуриш, оила сабоғи ёки бахтли ва мустаҳкам оила йўриқлари ҳақида деярли ҳеч нарса ўргатилмас экан. Шунинг оқибатида оила қуриш маҳалига етган йигит-қизлар ўзини бола ҳисоблаб, ҳаётнинг залворли имтиҳонлари олдида иложсиз қолаверади. Бу ҳолат охир-оқибатда бир оиланинг барбод бўлиши билан ниҳоя топади. Оиланинг барбод бўлиши эса муаммонинг ечими эмас, аксинча, бошланишидир.

Ҳаётда ёшлар худди ўзлари каби умр йўлдош танлашга интилишади. Лекин худди мана шу нарса уларнинг тажрибасизликлари орқали бироз нотўғри хулоса чиқаришига сабаб бўлади. Икки ёрти — бир бутун, деган мақол бор. Бундан мақсад

шуки, турли қарама-қарши хусусиятларга эга бўлган икки инсон бир-бирининг хато-камчиликларини тузатиб, айбини ёпиб яшайди. Бири жаҳлдор бўлса, иккинчиси мулоим, бири серзарда бўлса, бошқиси оғир-босик, бири уқувсиз бўлса, яна бири тажрибалироқ бўлиши талаб этилади. Яъни, эркак ва аёл иккаласи биргаликда бир бутунни ташкил қилади. Масалан, бир варақ коғозни инсталган шаклда йиртиб, иккига ажратиб кўринг. Агар коғоз тенг йиртилмаса, бир бўлаги иккинчисидан каттароқ бўлиши шубҳасиз. Энди ўйлаб кўринг-чи, шу катта бўлак эркакни англатадими ё аёлни?

Эркак ҳар жиҳатдан аёлдан устун бўлиши шарт. Бу устунлик, айниқса, насаби, бўйи, ёши, билими, бойлиги кабиларда ҳам бўлиши зарур. Акс ҳолда у оила устуни бўлишга ярамайди. Эркак қанчалик гўзал ахлоқли, оғир-босик, ақлли, билим ва тажрибали, салобатли, фаросатли ва уқувли бўлса, аёли билан шунча бахтли яшай олади. Шу

билан бирга, эркак аёлнинг ҳуда-беҳуда гишаваларини, эркалик ва инжиқликларини-да кўтара оладиган даражада феъли кенг бўлиши талаб этилади. Аёл киши ўзини, фарзандлар ва оилани турли томонларга бошлаши, шубҳасиз. Эркак эса бутун оилани фақатгина тўғри йўлга ва адолатга бошлашга масъул.

Афсуски, турмуш қургандан кейин оилада нима бирламчи ўринда туриши кераклиги бугун турмуш қураётган ёшларга маълум эмас. Шунинг учун бугун фақатгина ҳою ҳаваслар илинжида қурилаётган ва кўп ўтмай сувқўпикдай бир зумда йўқ бўлиб кетаётган оилалар йўқ эмас.

Ўқувчи дарсларга қатнашиши ва уни яхши ўзлаштириши учун биринчи навбатда у яшаётган муҳит барқарор бўлиши зарур экан. Агар оилада ҳар кун жанажало кўнгилсизликлар бўлиб турса, ўқувчининг ўзи қанчалик ҳаракат қилса ҳам дарсларни

мунтазам ўзлаштиролмайдди. Ўқувчи дарсга келмаётгани сабабини одатда, биз фақат унинг ўзидан кидирамиз. Унинг таълим даргоҳида олган билими оиласи фаровонлигига ҳам хизмат қиладими, деган савол бугун кун тартибига қўйилиши зарур. Фарзандларимиз оила нималигига уни идора қилиш қандай бўлишини мактаб давридаёқ тушуниб-англаб борсагина эртага ўзи оила қурганда олган билимига таяниб бахтиёр ҳаёт кечира олиши мумкин. Тўғри, ҳар бир фарзандга оилада ота-она берадиган йўл-йўриқ биринчи ўринда туради. Шу билан бирга, устоз-мураббийлар ҳам бу масалага бефарқ қараб қарашга ҳақли эмаслигини яна бир қарра тушуниб етдим. Оила ҳамма бир ёқадан бош чиқариб ҳимоя қилинадиган муқаддас кўрғон эканини эсдан қикаришининг оқибати хатарли бўлиши тайин экан.

Дилрабо БОБОЖОНОВА,
Урвач политехника ва компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

АКС-САДО

Вазирлик мақолага муносабат билдирди

«Танқидий-таҳлилий материаллар хатоларимизни тўғрилашда муҳим ўрин тутди...»

Газетамизнинг жорий йил 21 мартдаги сонида эълон қилинган «Вазир шифокор дардини кўтариб чиқди. Беморлар «дард»и ҳақида ким қайғуради?» мақоласида кўтарилган муҳим ва долзарб муаммолар хусусида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўз муносабатини билдирди. Вазирлик йўллаган хатни айрим қисқартиришлар билан ҳавола этяпмиз.



«...Кейинги йилларда юртимизда тиббий хизмат кўрсатиш сифати ҳамда юқори технологияли даволаш усуллари янада ривожланиб, шифокорларнинг аҳоли саломатлиги йўлида самарали фаолият юритишига замин яратилмоқда. Албатта, беш бармоқ баробар эмас. Тизимда минглаб фидойи шифокорлар қатори, афсуски, айрим касбига номуносиб ҳодимлар ҳам учраб туради. Шу боис сўнгги йилларда тизимдаги коррупция ва тамағирлик ҳолатларига нисбатан кескин чоралар кўрилмоқда.

Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси мисолида оладиган бўлсак, беморларга кўпол муомалада бўлган, вазифасига совуққонлик билан қараган шифокорлар станциянинг кенгайтирилган даволаш кенгашида таҳлил қилиниб, маъмурий жазолар қўлланади. Жумладан, 2018 йил давомида аҳолидан тушган шикоят ариза-

лар бўйича тез тиббий ёрдам ҳодимларидан 21 нафарига меҳнат шартномасини бекор қилиш, «хайфсан» ва жарима жазолари қўлланилган.

...Мақолада Соғлиқни сақлаш вазирга йўлланган очик саволларга келадиган бўлсак, дарҳақиқат тизимда муаммолар йўқ эмас. Муҳими, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ушбу масалаларни бартараф этиш йўлида ишламоқда. Келинг энди, қўйилган саволларга жавоб бериб ўтасак:

Биринчидан, шифокор ва шифохона билан боғлиқ муаммолар доимий эътиборимизда. Биз шифокорлар манфаатларини таъминлаш баробарида, энг аввало, беморлар ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга устувор аҳамият қаратганмиз. Аслида беморлар манфаатлари билан шифокорлар манфаатлари узвий боғлиқ. Бемор учун шариот қанчалик яхши бўлса, шифокор ҳам шунчалик

хотиржам ишлайди, сифатли тиббий хизмат кўрсата олади.

Иккинчидан, Сергели ва бошқа туманларда болалар шифохонаси йўқлигидан хабаримиз бор. Пойтахтимизда замонавий тиббиёт ва илм-фаннинг энг сўнгги ютуқлари асосида барпо этилаётган Болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда. Ушбу мажмуа 2020 йилда фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

Учинчидан, мақолада шифокорнинг ҳаракатсизлиги, вазифасига совуққон муносабатда бўлиши масаласи кўтарилибди. Буни асло оқлаб бўлмайди. Вазирликдан тортиб, ҳар бир тиббиёт муассасасида шифокорлар фаолияти доимий равишда таҳлил этилади, муҳокама қилинади. Баҳсли вазиятларда ҳуқуқий баҳо берилиб, тегишли жазо чоралари кўрилади.

Тўртинчидан, аввало, ноқонуний ҳаракатлар қилган шифокорга чора кўрилгани ҳақидаги маълумотнинг оммавий ахборот воситаларида берилмагани, бу борда иш қилинмади дегани эмас. Ваҳоланки, вазирлик ўзи вазифасини бажармаган тиббиёт ҳодими ёки тез тиббий ёрдам тизимидаги муаммоли ҳолатлар юзасидан тизимли чоралар кўриш баробарида унинг натижалари ҳақидаги маълумотларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб келмоқда...

Тиббиёт муассасалари раҳбар ва ҳодимларига нисбатан 2017 йилда 191 жиноий, 702 та маъмурий, 2018 йилда эса 179 та жиноий, 715 та маъмурий жазо чоралари қўлланилган. Бундан ташқари, Соғлиқни

сақлаш вазирлиги тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларида ўтказилган текширувлар натижасида 2018 йилнинг 11 ойи давомида 3802 ҳолатда лавозимдан озод этиш, «хайфсан» ҳамда жарима қўлаш каби интизомий чоралар қўлланилган. Шунингдек, 2019 йилни Соғлиқни сақлаш вазирлиги коррупцияга қарши кураш билан бошлади ва буни билдирувчи «Соғлиқни сақлаш вазирлиги янги йилни коррупцияга қарши курашдан бошлади» номли мақола шу йилнинг 4 январь кунини интернет ахборот сайтларида эълон қилинди.

Шифокорларнинг кўп вақти беморлар билан ҳаёт ва ўлим орасида ўтади. Шундай улкан масъулиятни зиммасига олган тиббиёт ҳодимларининг хато қилишга, ноқонуний ҳатти-ҳаракат қилишга ҳаққи йўқ. Шифохонага келган ҳар бир бемор шифо топса, тиббий хизматдан мамнун бўлса, бу бизнинг энг катта ютуғимиздир.

Шу ўринда тиббиёт соҳасида олиб борилмаётган ислохотлар қатори, жойлардаги мавжуд муаммоларни кенг ёритаётган оммавий ахборот воситалари, жумладан, «Оила даврасида» газетаси жамоасига ўз миннатдорчилигини билдирамиз ва бундан кейин ҳам изчил ҳамкорлик қилишдан манфаатдоримиз. Негаки, танқидий-таҳлилий материаллар хатоларимизни тўғрилаш ва фаолиятимиз самаралорлигини янада оширишда муҳим ўрин тутди.

Ҳурмат билан,
Э. БАСИТХАНОВА

ОРЗУЛАРНИНГ

Кўзлари ёниб турган, зуваласи пишк, умидбахш ёшларни мен олис ва машаққатли сафарга отланган йўловчига ўхшатаман. Негаки бундай навихолларнинг оёғи мақсад деб номланган тулпорнинг узангисиди, кўлида эса ҳаёт деб аталмиш тулпор жиловли. Хуржуннинг икки кўзи эса, образли қилиб айтганда, оламшумул орзулар ҳамда нурилик ва истиқболли келажак билан лик тўлатилган. Ўйлайманки, уларнинг узок сафари хайрли, нурилик ва бехатар бўлгусидир.

*Узоқдан чироқлар кўринар —
Орзунинг мунаввар шувъласи.
Ёнишлардан кўзларим тинир,
Лекин етиб боргум шубҳасиз,
Узоқдан чироқлар кўринар.*

ёки:

*От кўяман. Ёнишлар ёнди.
У ердан келмоқда овозим.
Учган овозимдан ҳам ойдин
Чироқларга етман ўзим!
От кўяман. Ёнишлар ёнди...*

Шоирнинг юрагидан отилиб чикан бу сингари гўзал сатрлар шак-шубҳасиз Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, куриш ва эксплуатацияси институтига кунт ва чидам билан тахсил олаётган ёш насимларни нурилик манзиллар томон дадил бошлаб боргуси, албатта.

Уммондаги
улкан кема

Доно ва кўпни кўрган халқ ичидида боғ ниҳолсиз, чаман гунчасиз, дарё жилгасиз бўлмағай, деган гап оғиздан-оғизга ўтиб то бизнинг кунимизга қадар завол топмасдан етиб келган. Мунаввар ва ойдин келажак сари сузиб бораётган уммондаги улкан кема мени эса янгидан-янги истеъдодларисиз сира-сира тасаввур этиб бўлмайди. Мамлакатимиздаги нуфузи балинд илм даргоҳлари орасида Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, куриш ва эксплуатацияси институтининг ҳам ўзига яраша мавқеи бор. Мазкур институтнинг ўз тарихи, босиб ўтган залворли йўли, улкан тажрибаси бор. У 1972 йилда ташкил этилган бўлиб, Марказий Осиёдаги ягона ҳамда етакчи олий таълим муассасаларидан саналган.

Аёнки, бежиз йўлларни икти-содийнинг кон томиринга менг-зашмайди. Йўлларсиз тараққиёт асло силжмайди, бирор соҳа ривож топмайди. Ана шу ҳолат инobatга олиниб, мамлакатимизда сўнгги йилларда автомобиль йўллари куриш соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва шунинг асосида Ўзбекистон миллий автомагистраллини, умумреспублика ва маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларини истиқболли ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш талаблари ҳамда вазибалари ҳисобга олиниб муҳим қадим қўйилди. Курилиш ва эксплуатация қилиш ташкилотларининг юқори малакали мутахассис кадрларга нисбатан ортиб бораётган талаб-эҳтиёжини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 августдаги «Автомобиль

йўлларини лойиҳалаш, куриш ва эксплуатацияси соҳасида кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, куриш ва эксплуатацияси институти сифатида қайтадан ташкил этилди.

Аҳамиятлиси, илм даргоҳида ўтган йиллар давомида тайёрланган мутахассислар сони қирқ беш минг нафардан ошиб кетган. Улар турли ишлаб чиқариш тармоқларида, илмий-текшириш, лойиҳа институтларида, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув даргоҳларида меҳнат қилмоқдалар. Институт битирувчилари орасида давлат арбоблари, соҳа етакчилари ва йирик ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари, олимлар, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг борлиги ҳам илм даргоҳининг юқори салоҳиятидан дарак беради. Улар билан бугун бу ерда тахсил олаётган талаба-ёшларнинг учрашувларини мунтазам ўтказиб туриш яхши анъанага айланган.

Тизимни
ислоҳ қилиш

Ҳақиқий педагогик жамода шундай шароит яратиладики, бундай муҳитда ҳар бир профессор-ўқитувчи ўз фикрини яширмасдан, очик ва лўнда айта олиши керак. Ҳатто раҳбарлар билан соғлом рақобатга кириша олсагина ўша жойда, албатта, тараққиёт олға силжийди. Илм даргоҳида ана шу жиҳатга қаттиқ туриб амал қилишга астойдил ҳаракат қилинмоқда. Қарийб уч юз нафарга яқин профессор-ўқитувчиларнинг барида талабаларга жонқуярлик билан сабоқ бериш иштиғи ҳам, уларга нисбатан меҳри ҳам ўн чандон кучли.

— Ўзбекистон Президентининг олий таълим тизимини ислоҳ қилиш ва сифатини янада оширишга қаратилган қатор қарор ва фармонларида соҳани ривожланган, илгор давлатлардаги сингари янги, сифат жиҳатидан юқори босқичга олиб чиқиш назарда тутилгани барчамизга аён, — дейди Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, куриш ва эксплуатацияси институти ректори, техника фанлари доктори, профессор Олимжон РИСКУЛОВ.

— Соҳага доир кўпдан-кўп янгиликлар, илм масканларида устозлар мавқеи ва обрўсини ошириш мақсадида ўтказилаётган изчил ва самарали ислохотлар яқин орада ўзининг юксак самараларини бериши шубҳасиз. Янгича ёндашув талаб этадиган ишларимиз хали кўп. Шулардан бири — профессор ўқитувчиларининг ҳам, талабаларининг ҳам олий таълим даргоҳига ҳафсаласиз қайфиятда эмас, аксинча кўтаринки руҳда, қатта иштиғек билан қилишларига тўлиқ эришимиз зарур. Шундагина, қилинаётган меҳнат зое кетмайди, институт тайёрлаётган кадрлар сифатли ҳамда салоҳиятли, эл қорига ярайдиган бўлади. Ҳақис илмининг билимдон ал-Бухорий айтганларидек, «Энг аввало, ният яхши бўлиши керак». Ана ўшанда мақсад сари етишимиз осон кечади.

Олимжон Рискүловнинг таъкидлашича дарс машғулотларида замонавий техник ўқув воситалари — компьютер синфлари, элект-

рон доска, телекўрсатув, лингафон хоналаридан кенг миқёсда фойдаланилмоқда, янги педагогик технологиялар изчиллик билан жорий этилмоқда. Талабаларни амалиётга тайёрлаш ишлари ўқув жараёнини реал қилиб чиқариш билан боғлиқ ҳолда такомиллашиб бормоқда. Кўплаб талабалар кафедранинг илмий-тадқиқот ишларида, лойиҳа-конструкторлик бюрорларида фаол иштирок этмоқда. Илм даргоҳи қошида академик лицей, тайёрлов ва тармоқ мутахассисларининг малакасини ошириш курслари фаолият кўрсатмоқда. Буларнинг бариси институтда таълим сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

Институтда иккита факультет таркибиди ўн олтига кафедра бўлиб, асосий штатда 253 нафар профессор-ўқитувчи фаолият олиб боради. Уларнинг йигирма бир нафари фан доктори, саксон уч нафари эса фан номзодлари ҳисобланади. Ёшларга муносиб шарт-шароит яратиб бериш масаласи институт раҳбариятининг доимий диққат-марказида бўлиб

Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, тахсил олаётган йигит-қизлар ёшлик ғурури, ошно бўлиб, олдига қўйган мақсади



турибди. Бугунги кунда учта ўқув биноси, ўн иккита компьютер хонаси, саккиз юз ўринга мўлжалланган маданият саройи, талабалар ўйи, замонавий спорт майдончаси, ўқув полигони, дам оlish маскани, учта ахборот-ресурс, ўқув ва компьютер хоналари, нашриёт, талабанинг сабоқларга мустақил тайёрланиш жойлари доимо кўзлари чакнаб турган талаба-ёшлар билан лик бўлади. Улар бир-бирлари билан бахслашиб, ўзларининг нурилик келажакига мустақкам тамал тоши қўядилар.

Илм масканида бугунги кунда уч минг уч юз нафар талаба тахсил олмақда. Таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, талабаларнинг амалий кўникмаларини ошириш мақсадида илм даргоҳининг битта ўқув маркази ва йигирмага филиали ташкил этилган. Ўтган ўқув йили-

да беш юз ўн уч нафар мутахассис олий билим юртини тамомлаган бўлса, уларнинг қарийб саксон фойзи автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги соҳасида ишлаб келмоқда.

Замонавий жиҳозларда
ишлаш завқи

«Эскини ямағунча эсинг кетди» деган мақол барчага таниш бўлса керак. Чиндан ҳам, бугунги тезкор замонда алмисоқдан қолган, ишлаш мулдатини ўтаб бўлган, маънан эскирган асбоб-ускуналар билан сираям «муомада» қилиб бўлмайди. Уларнинг ўрнини эндиликда замонавий, сўнгги русумдаги, пишк-пухта ишланган ускуналар банд этиб улгурди. Негаки, улар ёрдамида бажарилган тажрибалар албатта, тез мудат ичида нағжа бериши аллақачон ўз исботини топган. Ана шу талабдан қилиб чиққан

ҳолда, илм даргоҳида мавжуд лаборатория ускуналарини халқаро талабларга мос келадиган жиҳозлар билан таъминлаш қатъий ва янги режа асосида амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирилик хузуридаги автомобиль йўллари қўмитаси томонидан институт таълим тизимини тубдан такомиллаштириш ва институт моддий-техника базасини ривожлантириш учун жами 5 миллиард 390 миллион сўмлик ҳомийлик маблағи ажратилди. Жумладан, институт лаборатория базасини мустақкамлаш учун «Автомобиль йўллари ва аэродромлари куриш ва эксплуатация қилиш» кафедраси ўқув лаборатория хоналарини таъмирлаш ва жиҳозлашга 389 миллиондан ошмиқ маблағ йўналтириб берилди. Бунинг натижаси тез орада йўл-хўжалик соҳаси ишларида қўринишга умид қиламиз.

Шу билан бирга, институтда таълим сифатини ошириш, йўл-транспорт соҳаси истеъмолчиларининг талабидан қилиб чиққан ҳолда юқори малакали ходимларни тайёрлаш, олий таълим мазмунини ишлаб чиқариш қорхона ва ташкилотларининг бугунги кундаги ҳамда истиқболли ривожланиш талабларига мос равишда қайта ташкил этиш, битирувчиларни тўлиқ иш билан таъминлашга қаратилган қатор долзарб вазибаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Яна бир муҳим масала.

МУНАВВАР ШУЪЛАСИ

қуриш ва эксплуатацияси институтида
ҳаётсеварлик, чанқоқ кўз, ёруғ орзуларга
сари дадил одимламоқда.



ISH, QURISH VA EKSPLUATSIYASI INSTITUTI



илмий-тадқиқот лойиҳаси жадал суръатлар билан бажарилмоқда. Айниқса, кенг жамоатчилик томонидан «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган автотранспорт воситалари ёнилғи сарфининг илмий асосланган меъёрини ишлаб чиқиш», «Кўп тармоқли фермер хўжаликлари шартлиларида фойдаланиш учун турли алмашинувчи кузовлар билан фойдаланиладиган юқори унумли ва тежамли универсал трактор тиркамаси шассисини ишлаб чиқиш», «Чўл ерлари учун турғунлиги оширилган универсал чопиқ тракторнинг конструктив ва технологик параметрларини ишлаб чиқиш», «Пиллаларнинг ипак бериш даражасини аниқлайдиган куёш электр манбаи билан таъминловчи автоматлаштирилган мобил қурилмани кичик ҳажмларда ишлаб чиқаришни тақомиллаштириш» сингари кўплаб илмий натижалар муносиб баҳоланди. Умуман олганда, биргина ўтган йилнинг ўзига 188,4 миллион сўмни ташкил этадиган 24 та илмий-тадқиқот ишлари ишлаб чиқаришга жорий этилган.

бўлади. Олий таълим соҳасини тақомиллаштириш билан боғлиқ ислохотлардан кўзланган туб мақсад ҳам шу аслида.

Илм даргоҳида хозиргача Германия, Россия, Беларусь, Хитой, Жанубий Корея, Қозоғистон сингари давлатларнинг ўттиздан ортиқ етакчи университетлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Қатор мақсадли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Сўнгги уч йил давомида институтда фаолият юритадиган юзга яқин профессор-ўқитувчи хорижда малака ошириб қайтди. Бундай имкониятдан талаба ва тадқиқотчилар ҳам бенаиб эмас. Уларнинг бир гуруҳи хозирда Хитойнинг Чанган, Вухан ва Пекин университетларида магистратура ва докторантурада таҳсил олмақда. Бундан ташқари Россиянинг Москва автомобиль йўллари техника университети (МАДИ) ҳамда Беларусь миллий техника университети билан магистр ва бакалавр талабаларининг таҳсил олиши учун қатор кўшимча таълим дастурлари ишлаб чиқилди. Бундан кейин ҳамкорлар сафини янада кўпайтириш назарда тутилган.

Ўзбекистон кубоги, универсал жанг бўйича Ўзбекистон ҳамда халқаро турнир ғолиблигига, «Йўл қурилиш машиналари ва автомобиль транспорт эксплуатацияси» факультети талабаси Жавлон Гилопов карате бўйича олти карра Ўзбекистон чемпиони, Осиё чемпиони, жаҳон чемпионатида иккинчи ўринга лойиқ деб топишган. Яхшига ёндосанг кам бўлмайсан деганларидек, биз юқорида номларини бирма-бир санаб ўтган ёшларга ўхшашни истаган талабалар сафи тобора кўпайиб бормоқда.

— Илм даргоҳи талабалари бир-биридаги яхши фазилатларни тезда ўзлаштириб олиш пайида бўлади, — дейди Тошкент автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтининг ёшлар масалалари бўйича проректори Шавкат МИРЗАМУИНОВ. — Ахир ҳаётда ҳаваас билан яшашига нима етсин. Ёшларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш бўйича тасдиқланган режа асосида талабалар билан мунтазам учрашув ва очик мулоқотлар ўтказиб келинади. Шундай учрашувлар чоғида уларни кўпдан буён ўйланган келаётган масалалари ҳал этилади. Шу билан бирга, ректор ва талабалар ўртасида яқин ва очик мулоқотни ташкил этиш мақсадида Телеграм ижтимоий тармоғида «Ректорга мурожаат» гуруҳи ташкил этилган. Бундан кўзланган мақсад битта: у ҳам бўлса сабоқ олиб, тажрибали мутахассис бўламан, деган талаба ҳеч нарсага мухтож бўлмасин. Ёшларнинг ўй-хаёлини фақатгина илм олиш банд этсин. Тагин бир гап. Институт кутубхона фондида 21 минг 365 номдаги 418 минг 683 нусхадаги китоблар ҳамда 5 мингдан зиёд электрон дарсликлар, ўқув-ўқувчи қўлланмалар талабаларнинг ақл ва тафаккур доирасини оширишга хизмат қилмоқда.

Жаҳонгир Амир Темури бобоимизнинг «Истақ, ғайрат билан битмайдиған иш йўқ» деган пурмаёно, мағзи тўқ гаплари Тошкент автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтида таҳсил олаётган талабалар орасида кенг тарқалган. Агар таъбир жоиз бўлса, ёш низоҳлар бу сўзларни ўзлари учун кундалик шиор қилиб олишган. Ва яна «Шундай иш қилганки, чиройли бўлсин... хузурга сабаб бўлсин, нафосатга йўл очсин, завқ берсин, ҳақиқатга ишора берсин». Дарвоқе, бир Шарқ ҳикматида айтилган бу сўзларнинг айнан исботини маъзур илм даргоҳида кўргандай бўлди. Қолаверса, бу манзилда амалга оширилаётган эзгу ва хайрли ишлар бизни шундай хулосага келишимизга сабаб бўлди. Зеро, боболарнинг ақл сандиғидан тўқилган бойликлардан баҳраманд бўлган, илос билан касбини эгадиган тутиш арафасида турган ёшларнинг ҳаёти нузли бўлаверди.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
«Оила даврасида» мухбири



Институт Президентимизнинг қарорларига кўра Германиядаги бир қатор ташкилотлар билан яқин ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқасини ўрнатди. Яқин орада бу ерга йўл қуриш соҳаси бўйича етук мутахассисларнинг бир гуруҳи келиши кутилмоқда. Илмий тадқиқотлар соҳасида Беларуснинг Гродно давлат университети билан қўшма илмий лойиҳа жадаллик билан амалга таътиқ этиляпти, тезислар чоп қилинмоқда. Россиянинг Оренбург давлат университети билан имзоланган ҳамкорлик меморандумига асосан институт профессор-ўқитувчилари ҳамда талаба-тадқиқотчилари ўз тезис ва мақолаларини нашр этишга жон-жаҳди билан киришиб кетди.

Лойиҳалар кенг қулоч ёзса

Қизиқ ҳолат. Агар томорқа ерингизни вақтида юмшатиб, зарур экинларни экиб турмасангиз ўша жой қотиб, ҳеч нарсага ярамай қолади. Худди шундай, олий ўқув юртида лойиҳа ва тадқиқотлар устида бош қотираётган олимларни ҳам бошини силаб, меҳнати муносиб баҳоланиб турилмаса, иш издан чиқиб кетиши ҳеч гап эмас. Бу масалада илм даргоҳи олдинги ўринни банд этиб турибди. Масалан, институтда сўнгги уч йил давомида илмий лойиҳалар сони йигирматага, олинган патентлар сони ўн саккизтага етказилди.



«О3 тоифали транспорт воситалари рама конструкциясининг параметрларини ҳисоблаш» дастурини ишлаб чиқиш натижасида олинган иктисодий самара 50 миллион сўмни ташкил этган бўлса, Ўзбекистон шароитида йўлбоп оғир бетонни қўллаш асослари лойиҳаси натижасида тоғли йўللарда ишлатиладиган бетон ва темирбетон буюмлари хизмат муддатини 3-5 йилдан 15-20 йилга ошириш, хлорли тузлар таъсирини коррозияланишдан ҳимояланиш усули яратилиб, бир километр умумфойдаланувдиги йўлда ўртача уч миллиард сўм иктисодий самарадорликка эришилди. Автомобиль йўллари қурилишида битумли эмульсиядан фойдаланиш лойиҳасини жорий этиш орқали 120 миллион сўмлик иктисодий самарадорликка эришилади. Илм даргоҳида айни паллада учта амалий ва битта инновацион

Албатта, бундай изланишлар замирида институт жамоасининг, кечаю кундуз илм йўлида заҳмат чекаётган олимларининг машаққатли меҳнат ётади.

Қараш, фикри ўзгарди

Илмнинг машаққатли ва шарафли йўлидан оғишмай бораётган профессор-ўқитувчилар, талаба ёшлар вақти-вақти билан хорижнинг нуфузли университетларига юборилаётгани ўзининг ижобий натижасини бера бошлади. Биринчи навбатда, улар ўз устида кунт ва сабот билан ишлади. Соҳадаги янгиликлардан хабардор бўлиб боради. Энг асосийси улар мамлакатимиз билан хориж олий таълим муассасаларидаги ўқитиш услубини чоғиштиради. Ўз навбатида бундай устоздан сабоқ олган талабадан эртага кўп нарсани умид қилса

Ноёб ҳодиса

Тўла асос билан айтиш мумкинки, эрта кўклам чоғи ўзига йўл очган булоқ сингари истеъдод ҳам ўта ноёб ҳодиса саналади. Суви ширин, тотли булоқ ҳар кун кўз очавермаганидай, чинакам, ҳақиқий истеъдод ҳар бир ёш низоҳга ҳам насиб этавермайди. Шундай истеъдод ўз талантини тўла намойиш этганида, нафақат унинг ота-онаси учун, балки бутун элнинг қувончи, бахти бўлади бу. Не тонгки, Тошкент автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтида биз юқорида таърифу таснифини келтирган истеъдодли ёшларнинг янги авлоди камолга етяпти. Вақтнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланаётган бундай ёшлар ўқинишга ҳам, жамоат ишларига ҳам бирдай улгурмоқда. Яна шундан ортиб ҳар йили қанда қилмасдан ўтказиб туриладиган танловларда ўзини кўрсатмоқда.

Мана шундай ёш истеъдодлардан «Йўл қурилиш машиналари ва автомобиль транспорт эксплуатацияси» факультети талабаси Феруза Азимова 2016-2017 ўқув йилида «Қамолот стипендияси», 2017-2018 ўқув йилида Ислом Каримов номи давлат стипендиясига, «Йўл-қурилиш машиналари ва автомобиль транспорт эксплуатацияси» факультети талабаси Шотемери Шоикромов 2017-2018 йилда Беруний номидаги давлат стипендиясига сазовор бўлди. Иккидорли талабалар бугун нафақат техника билан тиллашмоқда, балки спорт, маънавий-маърифий тадбирларда ҳам ўзларини намойён этишмоқда. «Автомобиль йўллари ва сунъий иншоотлар» факультети талабаси Авазжон Хайдаров универсал жанг бўйича Ўзбекистон кубоғига, Турон яққа кураш бўйича катталар ўртасида Тошкент шаҳар ғолиблигига, очик ринг спорт мусобақасида бокс бўйича турман ғолиблигига, «Автомобиль йўллари ва сунъий иншоотлар» факультети талабаси Абдулазиз Худойбердиев ушу-санда бўйича

Эл фаровонлиги йўлида

«Намангандавсулмахсупудрат» давлат унитар корхонасида тер тўкаётган аҳил ва гипс жамоанинг саъй-ҳаракати билан белгиланган майдондаги замин захдан холос этилгач, бу ерларнинг ҳар қаричидан барака унмоқда, ҳосилдорлик ошиб, бир-бирдан ажойиб боғлар бунёд бўлмоқда.



Одамзод қудрати

Хозир ҳамма ишга қодир одамзод,
Писанд бўлмай қолди довул ҳам,
сел ҳам,
Писанд бўлмай қолди самум,
гирдибод,
Йўлбарлар қувати билагида жам.
Баҳодирлар азми дилида тошқин,
Кундан-кун кўрк берар она тупроққа,
Қайтаролмас шайстин
бало-ю босқин,
Она тупроғида урмоқ қурмоқда.

Олтин водийга узукка кўздеқ ярашиб тушган, анвойи гуллари билан машҳур Наманганнинг оромийона боғларини, бир учи уфқларга қадар чўзилиб кетган поёнсиз далаларини кезганинг сайин бу ўлканинг жаннатмонанд эканига чин дилдан иқроқ бўласан. Ҳақиқатда бу заминнинг мислсиз латофати, бекиёс чиройи қанчадан-қанча шоирларни маҳлиё этмаган дейсиз. Негадир бу заминдаги кенгликлар узра доимо лағиф кўшиқ ва шеър янграб туради. Айниқса, «Намангандавсулмахсупудрат» давлат унитар корхонасида тер тўкаётган Ёшукекса ҳаётини адабиётсиз, яъни нозик шеърисиз тасаввур эта олмайди. Ахир, яхши шеър одамни янгидан-янги муваффақиятлар сари бошлайди-да.

Меҳнатда топса камол

Олисдаги тоғдан шахд-шиддат билан, кўприб оқиб келаётган қаттақон сой Наманган тумани ҳудудида келганидан сўнггина ўзини бир қадар осойишта, тинч, сокин сеза бошлайди. Бир-бирдан унчалик узок бўлмаган кишлоқларнинг сон-саноксиз ариқ ва ҳовузларига, коллекторларга обихаёт улашади, аҳолининг ота-боболаридан мерос қолган тегирилларини юргизиб, чархпалакларни эмин-эркин айлантиради. Буни қаранг, ушбу сўлим ва баҳаво гўшаларда сойнинг оқимиға, йўналишиға обдан мослаб ўрнатилган чархпалаклар қоронғу осмондаги юлдузлардай сон-саноксиз. Ёғоч паррақлар тиник, шўх, ўйноқи сув оқимиға қараб бир маромда айланиб туради. Чархга мустаҳкам қилиб боғланган сопол идишлару, тунука банкалар сувга тўлгач юқорига кўтарилади, сўнг навбатма-навбат пастга эгилиб, ичидаги бор-бисотини новга эринмасдан тўка бошлайди. Назидан бу хол шошиб-пишиб, ховлиқиб келаётган йил фасллари ни ёдга солиб юборайди. Шу аснода оқар сув экинларнинг, савзавоту, дов-дарахтларнинг чанқоғини қондиради. Бундай

ажабтовур манзараға ҳар куни кўзи тушганиданми, «Намангандавсулмахсупудрат» давлат унитар корхонаси директори, тиниб-тинчимас инсон Иқромжон Абдурахимов ажабланганича «Қаранг, дунёнинг ишиға қойил қолмасдан сира илож йўқ. Бу чархпалак ҳам инсонга қуйиб қўйгандай ўхшар экан. У эрта тонгда туриб, кеч қоронғугача иш билан банд бўлади. Тиним, ҳордиқ нима эканлигини билмайди», деб қўйди секин пириллаганича. Чиндан ҳам, бундоқ олиб қарасангиз, чархпалакнинг ҳолати инсон



тақдирига бир қадар ўхшашлиги аён бўлади. Деярли ҳар куни жамоа аъзолари чумолидек гимирлаб, ҳудудларни гоҳ отда, гоҳ пиёда айланиб чиқади. Қурилиш жадал суръатда кетаётган объектлар биринчи навбатда унинг назаридан четда қолмайди. Коллектор бошида ёки иш жойида гап сотиб «ўтганининг ўроғини, кетганининг кетмонини» сўроқлаб ғийбат қилиб ўтирганларни кўрса, бирдан жинни кўзийди. Кези келса, бундай дангасаларни яхшилаб «бураб» қўйишдан ҳам тап тортмайди. Ишлаганларни, рўзғори аравасини тортаётганларни илик сўз билан бўлса-да, кўнглини кўтариб қўяди. Бажараётган ишларини ҳадеб кўз-кўз қилаверишни хушламайди. Ҳа, энди давлатимиз шунчалик шароит яратиб берганидан кейин жонимизни жабборга бериб ишласасак, жудаям уят бўлади-да, дейди қамтарлик билан. Барибир, мен у кишини гапга солиб бир қанча муҳим маълумотларни билиб олдим.

— Биргина 2018 йил давомида корхонамиз 10 миллиард 687 миллион 600 минг сўм қурилиш-монтаж ишларини уддалади. Жумладан, Чуст туманидаги хўжаликларо «Ҳиссарак Шўркент» зовур тизимини таъмирлаш ва тиклаш (биринчи босқич 77,5 қақирим), Ян-қўрғон туманидаги хўжаликларо «Намангансой» зовур тизимини таъ-

мирлаш ва тиклаш (биринчи босқич 25 қақирим) ишлари уддаланди, — дейди «Намангандавсулмахсупудрат» давлат унитар корхонаси директори Иқромжон АБДУРАХИМОВ. — Жорий йилда ҳам бу борадаги ишларни асло сусайтирмаймиз. Хусусан, мелиорация объектлари бўйича Чуст туманидаги хўжаликларо «Ҳиссарак Шўркент» коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклашга 446 миллиондан ошиқ, Тўрақўрғон туманидаги хўжаликларо «Наҳор» коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклашга 179 миллион сўмликдан зиёд, яна Тўрақўрғон туманидаги хўжаликларо «Ертепасой» коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш учун 119 миллион сўмдан зиёд миқдорда маблағ сарфлаш кўзда тутилган.

Иқромжон Абдурахимовнинг бизга маълум қилишича, мазкур тадбирлар бекам-қўст адо этилгандан кейин ернинг ҳолати анча-мунча ўнганлар экан. Биласиз, шўр, зах, сизот сувлари экиндан тузук даро-



мад олишга имкон бермайди. Оқибатда қилинган меҳнат шамолга соғурилади. Бу ҳолат дехкону миришкорларнинг ҳафсаласини пир қилади. Хозирга қадар ана шундай офату-балолардан азият чекиб, ўзини ўнғолмасдан ётган қўлаб майдондаги ернинг мелiorатив ҳолати яхшиланганига муваффақ бўлинди.

Янги сув йўллари

Кўкка бўй чўзиб усаётган улкан чинор дарахти тагидан узу-қун сув оқиб ётади. Айниқса, қун ботиш маҳалида бу жойда қурбақаларнинг қуриллаши бир зумгина бўлсада тинмайди. Мазкур ўзига хос антика симфония кишлоқ

ахлига узок хотираларни эслатиб туради. Далага туташиб кетган кишлоқларда бош қашишга вақт йўқ. Ҳамма ўз ташвиши билан андармон. Одамлар ўриб, қурилган пичанини ғарам қилиб босяпти. Негадир улар ўз чекидаги ишни қойиллатиб уддалаганиданми, хурсанд эдилар. Улар қувончлари терисига сўғмасдан шодон қулишарди. Яқинда бу жойдан сал нарида коллектор тозаланди. Улкан экскаватор зовур ичига худди чирмовукдек чирмашиб кетган қамиш поялари ва балчиқни чўмичи билан қўприб қавлаб оларди.

Бор гапни айтсак, илгари кишлоқ одамлари зах, шўр балосидан азият чекиб қун ўтказиб келарди. Мана, ниҳоят бу ерларнинг топроғи ҳам даволанадиган бўлди. Эл-улусни йиллар давомида қийнаб келаётган балони бартараф этиш, уларни ноумид қайтармаслик учун мутасаддилар енг шимаришди. Қарабсизки, қиска мудат ичида қулай коллектор барпо этилди. Ундан зах сувлар оқиб чиқиб кетяпти. Наманган туманидаги ўнлаб кишлоқларда умргузаронлик қиладиган аҳолининг тунд чехраси ёришиб, ҳаётга, эртанги кунга бўлган умид қайтадан бош кўтарди. Экскаватор ва бошқа замонавий техникалар билан тиллашиб, коллектор ва дренажларни қазиб, тиклаш, таъмирлаш, ишга туширишнинг бутун оғирлиги жамоадаги етмиш олти нафардан ошиқ ишчининг елкасига тушди.

— Корхонада ирригация-мелиорация ишларини рисоладагидек уддалашимиз учун барча шароитлар яратиб берилган, — дейди «Намангандавсулмахсупудрат» давлат унитар корхонасининг режа ва ишлаб чиқариш бўлими мутахассиси ЯХЁХОН ЗУННУНОВ. — Бино-иншоотлар, ишлаб чиқариш цехлари, транспорт ва техникалар, коммуникация тизимлари ҳамда ишчи кучи масаласида ҳеч қандай муаммо йўқ. Ўн иккита замонавий ва иш унуми юқори бўлган экскаватор, учта бульдозер, юк транспорт воситалари, пайвандлаш агрегатлари, дала вагонлари, таъмирлаш цехи, темирчилик устахонаси, ёнилғи қўйиш станцияси қучидан унум билан фойдаланиб келинади. Ишчиларнинг ишлаши ва унумли дам олиши доимий эътиборда.

Яна бир гап. Шу йилнинг ўзида Наманган шаҳри худудидан оқиб ўтувчи канални ПК 413+00 дан ПК 423+00 гача қисмини қайта қуриш, Чортоқ туманидаги «Чортоқсой» ирригация тармоғининг ПК 298+00 ПК 313+00 гача қисмини реконструкция қилиш, Наманган тумани худудидан оқиб ўтувчи «Қосонсой» сойининг ПК 250+00 дан ПК 280+00 гача ўзанини тозалаш ишларини бажариш кўзда тутилган. Бу сингари кенг қўламли қуриш ва қайта тиклаш объектлари бўйича бажариладиган ишларга зарур миқдорда маблағ йўналтириб бериляпти.

Сирасини айтганда, замин бағрини зах, шўр ҳамда сизот сувларидан ҳалос этиб, уни даволаётган «Намангандавсулмахсупудрат» давлат унитар корхонаси жамоасининг бу сингари эзгу ишлари маҳаллий аҳолини беҳад шод этмоқда. Негаки, улар ана шу ерда пишиб-етилган ҳосилдан бола-чақасини боқади, турмушини фаровонлаштиради. Зеро, фаровонлик бўлган жойда ҳаётга мухаббат ўн чандон қучаяди.

Улғубек АКТАМОВ



Кундузги чироқ, «стоп полоса», айланадаги устунлик...

Мамлакатимизда автототранспорт воситалари куннинг ёруғ вақтида яқинни ёритувчи чироқларини ёки кундузги сигнал чироқларини ёки бошқа воситаларини мажбурийлиги жорий этилди. Бунга роя этмаганга қандай чора (ёки жарима) кўрилади? Янги йўл белгиларидан хабарингиз борми?

Йўл қоидаларига киритилган ўзгаришлардан-чи?

Шу ва шу каби қатор янгиликлар йўл ҳаракати қоидаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритишга оид Ҳукумат қароридан белгиланган. Янги тартиб расман 10 апрелдан кучга кирди.



Пул ундириш йўлими?

Йўл ҳаракати қоидаларидаги ўзгаришлар бугун барчани кизиктиратган масалага айланди. Тўғрироғи, аввалдан маълум қилинмагани ёки лойиҳа умум-халқ муҳокамага кўйилмагани сабабли, кўпчилик учун қутилмаган ҳолат бўлди. Айниқса, кундуз куни транспорт воситалари чироқларини ёки бошқаларини шартлиги кўп муҳокамага сабаб бўлмоқда.

Фукараларнинг ушбу янгиликка муносабатини ўрганганимизда, кўпчилик буни жаҳон стандартларига ўттириш сифатида қўллаб-қувватласа, бу ислохотларни жарима ундиришнинг яна бир янги воситаси, деб ҳисобловчи қарашларга ҳам дуч келдик. Биз фикрларни ҳақ-ноҳаққа ажратгандан ҳолисиз, аммо уларни умумлаштириб, тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Биринчидан, Ўзбекистоннинг кўчилиши ўлкалиги эътиборга олинса, барча автомобилларнинг ёруғ пайтида, айниқса, ёзнинг жазирасида ҳам чироқни ёки бошқаларини мажбурийлиги жорий этилди. Амалда «Йўл ҳаракати қоидаларининг 138-бандига асосан — транспорт воситалари саф бўлиб (ташкилий жамланма) ҳаракатланаётганда, автобуслар ва йўналиши транспорт воситаларида, шатакка олиб кетаётган транспорт воситаси каби айрим ҳолатлардагина кундузи ҳам чироқ ёки бошқаларни шарт эди. Бу кам сонли ҳолат диққатни торттириб, ҳайдовчиларни ҳушёр торттирди. Эндиликда-чи, барча транспорт воситасида бир хилда чироқ ёнади. Демак, эътиборни ҳам тортмайди.

Жаҳон тажрибасига келсак, асосан туманли, ёғингарчилик кўп мамлакатларда икким шароитдан келиб чиқиб, йўлда кўринишни кучайтириш мақсадида кундузи ҳам чироқларни ёки бошқаларини шартлиги жорий этилган.

Иккинчидан, доимо чироқларни ёки бошқаларини шартлиги жорий республикамиз аҳолиси эҳтиёжидан автомобиль воситалари (айрим замонавий моделлардан

ташқари) бу талабга жавоб берадилми? Бот-бот аккумулятор алмаштириб, ортиқча харажатга қолмайми?

Учинчидан, аксарият фукаралар ҳисоблагандек бу ислохот — жарима ундиришнинг янги бир воситаси эмасми? Тўғри, замонавий автотранспорт воситаларида ўт олдиригандаёқ чироқлари автоматик ёкилади. Аммо бу функция миллий автомобилларимизнинг ҳамма русумида ҳам мавжуд эмас. Демак, турли объектив сабаблар билан чироқни ёки бошқаларини қўйиш ҳолатлари ҳам бўлади. Бу жарима ундиришга яна бир баҳона бўлиб, йўлларда асабузарликни кўчатиришмайми?

Жарима — ҳукукбузарлик учун ундирилади. Ҳукукбузарликнинг оқибатини — ижтимоий ҳаф ташкил этади. Юридик адабиётларда ҳукукбузарликка кўплаб таърифлар берилган. Хусусан, ҳукукшунос олим З.Исломовнинг таъкидлашича, «ҳукукбузарлик — шахсга, мулкка, давлатга ёки умуман жамиятга зарар етказувчи ижтимоий ҳафли, айбли, ҳукукка зид ҳаракатдир».

МЖТ кодексга асосан эндиликда транспорт воситаси чироқини ёқмасдан ҳаракатланиш ҳукукбузарлик сифатида қайд этилиб, жаримага тортилишини эътиборга оلسак, бунинг жамиятга қанчалик зарар етказувчи ижтимоий ҳафви бор экан, деган савол туғилиши табиий.

Расмийлар изоҳи

Расмийлар ҳар доимгидек бундай муносабатларни рад этади.

— Жаҳон тажрибасига чироқларни ёки бошқаларини шартлиги жорий ҳодисаларнинг олдини олишда ижобий таъсирини кўрсатиши исботланган, — дейди **Ички ишлар вазирлиги ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси матбуот хизмати бошлиги Акмал ЮНУСОВ.** — Чироқни ёки бошқаларини шартлиги жорий транспорт воситасини пиёда бўладими, бошқа ҳайдовчилар бўладими, узок масофадан илғайди, ҳушёр

бўлади. Ўйлаймики, бу ўз натижасини беради ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга хизмат қилади.


Тошкент шаҳар ИИББ бошлигининг жамоат тартибини кўриклаш бўйича ўринбосари, полковник Азизхон Умархоннинг матбуот вакиллари учун уюштирилган брифингга таъкидлашича, ИИБВга бошқа вазирлик ва идоралар билан бир ой муддатда аввал қабул қилинган норматив-ҳукуқий ҳужжатларни янги қарорга мувофиқлаштириш вазифаси топширилган. Шу сабабли бир ой давомида фақат тайёрларик кўрилади, ушбу тоифа ҳукукбузарликлар учун жарималар қўлланилмайди.

Дарҳақиқат, кўчаларимизда транспорт воситалари кўпайиши сари, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш долзарб бўлиб бормоқда. **Тажрибали ҳайдовчиларнинг айтишича, ҳайдовчилик маданиятини шакллантирмасдан йўл транспорт ҳодисаларини камайтириб бўлмайди. Афсуски, бугун ҳайдовчилик маданияти масаласи бизда анчайин куйи даражада туради.**

«Ғилдирак тўхташ чизигини босмаган...»

— Тошкент шаҳридаги 115 чоррахага ўрнатилган камералар ишга тушган, қоидабузарликлар сони сезиларли даражада камайди, — дейди **ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиги Холматжон САЙДАЛИЕВ** ЎзАга берган интервьюсида. — Ўз навбатида, бу камералар фаолиятини янада самарали йўлга қўйиш учун қоидаларнинг айрим бандларини тўлдириш зарурлиги аён бўлди. Гап 5.33 рақами билан белгиланган тўхташ чизиги тўғрисида кетяпти. Камералар бу қоидабузарликнинг ҳам тасвирга туширар, ҳайдовчилар эса айрим ҳолларда бунга эътироз билдиради. Яъни «машина ғилдираги тўхташ чизигини босмаган, олдинги нуктаси чизик устида турибди» каби ташушмовчиликлар юзага келаётган эди. Шу сабабли қоидаларнинг 41-банди биринчи хатбошиши куйидагича қайта таҳрир қилинди:

«41. Светофорнинг (реверсивдан ташқари) ёки тартибга солувчининг тақикловчи ишорасида ҳайдовчилар транспорт воситаларини тўхташ чизиги (5.33 йўл белгиси) олдида (бунда транспорт воситасининг энг олдинги нуктаси тўхташ чизиги устига чиқиб кетмаслиги керак), ... тўхташи керак. Демак эндиликда машинанинг энг олдинги нуктаси тўхташ чизиги устида турса ҳам қоида бузилган саналади.



88 ва 89-бандлар кўпчиликлари тушунарли бўлган куйидаги кўринишга келтирилди.

«Аҳоли пунктларидаги икки қисмидаги ҳаракат бўлаги бўлган ва ўртада трамвай изи бўлмаган бир томонлама ҳаракат ташкил этилган йўлларда тўхташ ва тўхтаб туришга рухсат этилади».


Ушбу ўзгариш кўча ва йўллар ўтказувчанлигининг ошишига хизмат қилади. Агар бир томонлама ҳаракат ташкил этилган йўлларда ҳаракат бўлаги битта бўлиб, ўнг ва чап томонга транспорт воситаси тўхтаганда бошқа транспорт воситалари йўлнинг ушбу қисмидан ўтишига имкон қолмайди.

89-банд. **Транспорт воситаларини йўлнинг қатнов қисмида бир қатор қилиб, қатнов қисми четига параллел равишда, қажаваси бўлмаган икки ғилдиракли транспорт воситаларини икки қатор қилиб қўйишга рухсат этилади.**

Транспорт воситаларининг қатнов қисми четига бурчак остида қўйилиши қатнов қисмининг сунъий торайишига, яъни 1,5 ҳаракат бўлагини эгаллашига олиб келади. Натижада кўчанинг ушбу қисмида ўтказувчанлик пасайишига сабаб бўлади. Шуни

инобатга олган ҳолда 89-бандга «қатнов қисми четига параллел равишда» сўзи қўшилди.

Чоррахада ҳаракатланиш тартибига ҳам қўшимча киритилди. Эндиликда «Айланма ҳаракатланиш чорраҳасида ҳаракатланаётган транспорт воситалари айланага кириб келаётган транспорт воситаларига нисбатан устунликка (имтиёзга) эга».



Амалдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»да айлана ҳаракат ташкил этилган чоррахада ҳаракатланиш тартиби белгилаб берилмаган эди. Шунинг учун айлана ҳаракат ташкил этилган йўллар бир-бирдан фарқ қиларди. Ҳаракатланиш йўл белгилари асосида ташкил этиларди. Шунингдек, ушбу қоидаларнинг 60-бандида ҳайдовчи ўнг томондан яқинлашиб келаётган транспорт воситасига йўл бериши кўрсатиб ўтилган. Шу сабабли ҳозирги кунда айлана бўйлаб ҳаракатланаётган транспорт воситаси ўнг томондан айланага яқинлашиб келаётган транспорт воситасига йўл бериши натижасида айланада тирбандлик ҳолатлари юзага келиб, кассишманинг ўтказувчанлигига салбий таъсир кўрсатаётган эди. Эндиликда бу масалага ҳам ойдинлик киритилди.

Йўл ҳаракати қоидаларига ўзгариш киритиш тўғрисидаги ҳужжатда яна қуйидагилар белгиланган:

■ Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимларига айрим йўл участкаларида ҳаракат тезлигини (тегишли йўл белгиларини ўрнатилиши) пасайтиришга ваколат берилган;

■ қурилиш материаллари, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, озиқ-овқат ва шу каби тўқилувчи товарларни ташинишда юк мажбурий тартибда брезент ёки бошқа қалин материал билан ёпилган бўлиши керак;

■ велосипед ва мопед ҳайдашда рулни ушламасдан ёки бир қўлда ушлаб ҳаракатланиш тақиқланади.

■ Бундан ташқари ўзгаришлар билан 28 та янги йўл белгилари киритилди. Қизил чироқда ўнгга ҳаракатланиш, радар, пиёда ва велосипедчилар учун ташкил этилган йўлак каби белгилар шулар жумласидандир.

Хумоюнмирзо
ФАЙЗУЛЛАЕВ

Бунёдкор инсонлар

Бунёдкорлик ва яратувчилик халқимизга хос фазилатлардан. Ота-боболаримиздан мерос қолган бу анъаналар бугун ҳам мамлакатимиз миқёсидаги улкан бунёдкорлик, юксак яратувчилик каби хайрли ишлар мисолида давом этмоқда. Бугун мамлакатимизнинг қай бир манзилига борманг, бариди ободлик ва яратиш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг гувоҳи бўласиз.



Айни дамда хуудларда бунёд этилаётган иморатлар, янги уй-жойлар, кўпқаватли турар жой комплекслари ва ижтимоий соҳа объектларининг ўз вақтида, сифатли қуриш барча қурувчи-мутахассислар зиммасига улкан масъулият юклайди. Кимдир бу масъулиятни тўла хис этмай ўз ишини ўлда-жўлда бажараётган бўлса, бундайларнинг араваси узокка бора олмапти. Чунки катта тажриба орттириб, эл-халқнинг ишончига ва дуосига сазовор бўлаётган фидойи қурувчилар билан ундайлар асло рақобат қила олмапти кундай равшан. Бундай инсонлар қўяётган ҳар бир гиштига пухта ёндашади, қурилаётган бино уч-тўрт йиллик эмас, неча ўн йиллаб одамларга хизмат қилиши кераклигини яхши англайди.



Андижон вилоятининг Бўз туманидаги «Бехрузбек Дилмуродов» масъулияти чекланган жамиятига ҳам бугун юртимиз кўрkingа-кўрк қўшиш истагидаги меҳнаткаш, фидойи қурувчилардан 40 нафари жам бўлган. Улар томонидан барпо этилаётган намунавий уй-жойлар, янгидан-янги иморатлар кўпчиликка манзур бўлмоқда. Бунга сабаб ташкилот раҳбари Жамшидбек Мамасолиевнинг қурилиш ишларида асосий эътиборни сифат даражасига қаратаётгани, ҳар бир қурувчининг меҳнатига яраша муносиб рағбатлантириб, кейин шунга яраша масъулиятни талаб қилаётганида бўлса ажаб эмас. Бу жамоа барпо этаётган сифатли ва мустаҳкам иморатлар эса халқимизга узок йиллар хизмат қилапти.

Жамшидбек Мамасолиев 2006 йили Фаргона политехника институтини иқтисодчи мутахассислиги бўйича тамомлаб, дастлаб ўзи эгаллаган соҳага кўра, иқтисодчи сифатида Бўз туманидаги қатор ташкилот ва муассасаларда фаолият олиб борди. Кейинги йилларда мамлакатимизда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ёш иқтисодчини ҳам бефарқ қолдирмади. У давлат томонидан яратиб берилаётган имконият ва имтиёزلардан унумли фойдаланиб,


хусусий тадбиркорликнинг бирор-бир йўналишида иш бошлашга қарор қилди. Ёш йигитнинг тадбиркорлик борасидаги режаларини ота-онаси, кондош-жигарлари ҳам маъқуллади. Керак пайтида ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватладилар. Яқин инсонларининг ёрдамлари билан у ҳамма учун фойдали, ҳаётини эҳтиёжга эга, жамиятда талаб юқори бўлган йўналишлардан бири — қурилиш соҳасини танлади. 2009 йили ўзининг қурилишга ихтисослаштирилган масъулияти чекланган жамиятини ташкил этди. Янги соҳа ва йўналишда иш бошлашига қарамай ёш қурувчининг ўз касбига бўлган фидойилиги унга тез орада юксалишлар эшигини очди.

Қаҳрамонимизнинг ҳар бир ишни пухта бажариши, масъулиятни чуқур хис этиши дастлабки йиллардаёқ одамлар эътиборига тушди. Қурилиш, таъмирлаш ва жорий таъмирлашда иш сифатига алоҳида эътибор қаратди. Шу билан «Бехрузбек Дилмуродов» масъулияти чекланган жамияти вилоятда етакчи қурувчилик ташкилотига айланди. Унинг меҳнаткаш қурувчилари нафақат Андижон вилоятиндаги балки, юртимизда амалга оширилаётган қатор бунёдкорлик ишларида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда шаҳарсозлик соҳаси ривожланиб, ҳар бир шаҳар ва туманлар киёфаси буткул ўзгаряпти, янгидан-янги қурилиш, бунёдкорлик ишлари авж олмақда. Ана шундай фойдали ва савобли ишларда Жамшидбек Мамасолиев бошчилигидаги қурувчилар ҳам фаол қатнашдилар. Шунга монанд уларнинг касбий тажрибалари ҳам ошиб борди. Нагизжада Абдуманноб Рахимов, Шерзодбек Мамасолиев, Фаррухбек Обидинов, Сардорбек Райимжонов, Фаррухбек Сотиболдиев каби ёшлар ҳалол ва сидқидилдан қилган меҳнатлари эвазига моҳир қурувчиларга айланди.

— Айни пайтда қурилиш объектларимиз талайгина, — дейди масъулияти чекланган жамияти раҳбари Жамшидбек МАМАСОЛИЕВ. — Шунга қарамай астойдил ҳаракатда бўляпмиз. Бу борада ишчи-ҳодимларимизга ҳам муносиб меҳнат шараитларини яратиб берганмиз. Шу боис уларнинг шашти банд, кўтаринки руҳда меҳнат қилишяпти. Бизнинг «Бехрузбек Дилмуродов» МЧЖ қурувчилари юртимизда замонавий ва миллий меъморчилик анъаналарини ўзида мужассам этган кўркам бинолар



қурилишида фаол бўлиб, бу эзгу ишга астойдил бош қўшяпти. Айниқса вилоятимизнинг Бўз ва қўшни Баликчи ва Марҳамат туманларидаги қурилиш объектларини элимизга ўз вақтида тортиқ этишда бунёдкор қурувчиларимизнинг хиссаси катта. Қолаверса, Бўз туманида тикланаётган ижтимоий соҳа объектлари бўлган умумтаълим мактаблари, тиббиёт масканлари, мактабгача таълим муассасаларини сифатли қуриб битақизи ишларида фаол бўлиб, бу хайрли ишларни ҳозирда ҳам давом эттирмоқдалар.



Дарҳақиқат, ҳар бир ишга сидқидилдан ёндашиб, қурилиш жойи ва ҳолати, ишлатиладиган материаллар сифатига алоҳида эътибор қаратадиган Жамшидбек жамоаси билан пишиқ ва мустаҳкам турар жойлар ва иншоотлар барпо этмоқда. У бугун ҳам бунёдкорлик ишларига бош-қош, эрта-ю кеч яратиш, яшатиш йўлида ҳаракатда. Ҳозирда Бўз туманининг Дехқонобод маҳалласидаги 10-сон мактабгача таълим муассасаси, «Ўзбекистон» мавзесиндаги тўрт қаватдан иборат уй-жойларнинг қурилиши ҳам унинг бошчилигидаги қурувчилар жамоаси зиммасида. Келажакда бу замонавий мактабгача таълим муассасаси эртаими эгалари ихтиёрига, миллий андозалар асосида битказилаётган кўркам уй-жойлар эса ўз эгаларига топширилади. Бу ўқув масканларида келажакимиз ворислари қомил фарзанд бўлиб камол топадилар, янги уйларида эса ёш оилалар бахтли ҳаёт кечирадилар. Буни ҳозирданок қалбдан хис қила билган оддий, самимий ва меҳнаткаш бунёдкор қурувчилар эса ўз меҳнатларидан руҳияти кўтарилиб, янги марралар сари ошмақди. Биз ҳам юксак бунёдкорлик салоҳиятига эга Жамшидбек бошлиқ бу фидойи бунёдкорларимизнинг ишларига ривож, ўзларига эса мустаҳкам соғлиқ тилаб қоламиз. Юртимиз кўрkingа кўрк қўшиш, уни янада обод ва гўзал гўшага айлантиришдек савобли ишда асло хорманг, азиз бунёдкорлар.

Илҳомжон ТОЖИБОЕВ,
Андижон вилояти

САБОҚ

Озода опа кўчадан кираверишга сув сепиб қўйиб, у селгигач, эшик олдининг у ер, бу ерини супуриб-сидира бошлади. Икки дарвоза наридаги хонадондан бир аёл кўчага чиқиб, эшикнинг кесақисига суяниб, муштанган қўлининг икки бармоғини ия-гига тираб, иккинчи қўлини биринчисининг тагидан ўтказиб, қотиб турарди. У кўчанин «қузатувчи»си номи билан машҳур. Кўчага ким келди, ким кетди, нимага келди, қайси эшикка кириб-чиқди, барчасидан хабардор. Истаган пайт сўрасангиз, қўшиб-қатиб, «тўлик» маълумот бериши мумкин.

«Келин олганман, чўри эмас...»



Ҳозир ҳам бундай туришининг маъноси бор. У Озода опани кўчага соат нечада чиқиб, нечада кириб кетди, неча чалак сув сепиб, қаерларни қандай супуриб-сидирди, ҳамма-ҳаммасини батафсил билиши керак. Чунки у бу ҳақда кимгадир етказадиган бўлса, ишонари бўлиши зарур-да. У ўрнидан қилмай, гап бошлади.

— Ҳа, Озодахон келинлигингиз эсингизга тушиб кетдим, ҳамма ерни кириб-қиртишлаяпсиз, ё меҳмон келадиганми? Келинпошша қанилар? Шу ишларни у қилса бўлмайдим? Нафақага чиққан бўлсангиз, шу ёшга кириб, бундай ишларни эндиём сиз қиласизми?

— Эй, қўшни, нималар дейсангиз, оғзим бор деб вайсайверасизми? Ёшлар ўқинишга, ишга борсинми, онласига, боласига, ош-овкатга, кир-чирга қарасинми? Битта келинга бўлар шунча иш. Майли бироз дамини олсин! Нима, мен нафақага чиқдим деб, ўтириб олинми керами? Одам катта бўлгани сари ҳаракатда бўлиши керак.

Кўча «қузатувчи»си бу гапларни кутмаган эди, чоғи.

— Ҳа, мен нима дебман? Сизга ачинганимдан айтаётган эдим-да, вой-бў, келиннинг бурун қатагидан тушган бўлса ҳам. Бўпти, гапирмаганим бўлсин, менга нима-!..

У гапини ҳали тугатмаган эди, шу пайт эшикдан яқинда тушган келин чиқиб, уйқусираб:

— Ойи, ичкарига кириб туринг, сув сепиб олай, — дедида, унга шалоп этиб сув сепиб юборди.

Озода опа буни кўриб: «Қўшни икки қулоғингиз билан эшитиб олинг. Мен келин олганман, чўри эмас», дея, ичкарига кириб кетди.

Кайнона-келин икковлон, аввал, бир-бирларига, сўнгра Озода опанин орқасидан қараб қолди.

Ёши улуғлар айтишган: «Қуруқ қошиқ оғиз, қуруқ сўз қулоқ йиртади» деб. Хўп топиб айтилган экан-да.

Баҳолир ҚОДИРОВ

ЭЪЛОН

Тошкент иқтисодиёт ва бизнес коллежи томонидан 2008 йилда Рахимов Зуфар Орифович номига берилган рўйхат рақами 13801К № 1071511 бўлган диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**OILA
DAVRASIDA**
Mustahkam oila — yurti tayanchi
iltijmoiy-ijtimoiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

«Оила даврасида» газетаси тахририяти масъулияти чекланган жамияти

**Бош муҳаррир
Хусниддин БЕРДИЕВ**

МУАССИСЛАР:

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши;
Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси;
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатуви» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабанд»;
«Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази.

Газета тахририят компютерида терилди на саҳифаланди.

Газетада интернет материаллари ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўроқ кўчаси, 41.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Танзила Норбоева, Қаҳрамон Қуронобоев, Шавкат Жавлонов, Қудратилла Рафиков, Коммуна Ирисбекова, Дилором Тошмухамедова, Ином Маждидов, Элмира Боситқонова, Мизроб Бўронов, Муродулло Холмухамедов, Муҳаммадҷон Қурононов

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Навбатчи — Б. Насимов
Саҳифаловчи — Х. Файзуллаев

Буюртма: t-437 ISSN 2181-6190 Обунга индекс — 193
Ақша: 2972 юсқа. Нархи: келтирувчи асосида.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Объект усулида босилган.
Чоп этишга топширилади: 19:00

